



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 16 апрель, № 72 (5746)

Сешанба

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНГИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН ЯНАДА БОЙИТИШ ЙЎЛИДА



Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда олий даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Ислам Каримов 2010 йилнинг апрель ойида расмий ташриф билан Россияда бўлди. 2012 йилнинг июнь ойида Владимир Путин расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Мазкур ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация ва бошқа бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташки сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилган. Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров жорий йилнинг 5 апрелида ташриф

билан Тошкент шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган қарийб 200 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги асосий ҳужжатлар бўлиб, мазкур шартномаларда ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган. Ушбу шартномаларда миллий,

минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, шунингдек, терроризмга, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга ҳамда янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш масалаларида яқин ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Президент Ислам Каримовнинг Россияга расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель кун Кремлда бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг бугунги

ҳолати ва истикболлари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожини, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари давлатларимизнинг БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини кўриб чиқдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги муҳокамаларда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон — Россия муносабатларининг мустаҳкам асосини ташкил этиши таъкидланди.

2012 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,6 фоиз ўсди ва 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ўсиш 20 фоизга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 850 Россия — Ўзбекистон компанияси фаолият кўрсатмоқда, мамлакатимизда Россиянинг 100 дан ортиқ корхоналарининг ваколатхоналари рўйхатга олинган. Россияда Ўзбекистон капитални иштирокидаги 400 дан ортиқ компания фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ёқилги-энергетика соҳасида фаол ривожланмоқда, Россиянинг йирик нефть-газ компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Музокараларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, транспорт, транспорт коммуникациялари соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, ёқилги-энергетика комплекси ҳамда иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ўзаро ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Ҳукуматлараро иқтисодий ҳамкорлик комиссияси фаолияти доирасида кўриб чиқилмоқда. 2012 йилнинг декабрида Тошкентда ушбу комиссиянинг 14-мажлиси бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида комиссия фаолияти ва истикболдаги режалар муҳокама этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм бўйича вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, фанлар академиялари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги муносабатларни мустақамлаш

кўзда тутувчи гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тошкентда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Музокаралар якуни бўйича Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро Ҳимоя қилиш тўғрисида битим, 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, ташриф доирасида аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш муассасалари, божхона ва солиқ хизматлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар оқиш ва ўзаро ишонч руҳида ўтган, кўриб чиқилган барча масалалар юзасидаги томонларнинг позицияси ҳамда фикрлари бир-бирига ўхшашлиги ва яқинлигини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг расмий ташрифни ниҳоясига етди. Ишчанлик муҳитида ўтган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, муносабатларни янги амалий мазмун билан янада бойитиш йўлидан бораётганини таъкидлаш учун асос бўла олади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗД махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент
Сарвар ҲИМОЛОВ
олган сурат.

ЭЪТИРОФ

16-17 апрель кунлари мамлакатимизда “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда эллика яқин давлатдан қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва эксперт иштирок этади. “Халқ сўзи” мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

«Ўзбекистон — тинчлик ва фаровонлик мустақам қарор топган мамлакат»

Аҳмад Асрий
Абдул ҲАМИД,
Саноат қурилишини
ривожлантириш
кенгаши
бош менежери
(Малайзия):

— Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари — бу шунчаки орзу-ҳавас билан амалга ошадиган тадбирлар эмас. Бунга эришиш учун, аввало, давлат ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлиши лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг ўз тарраққиёт йўлидан оғишмай, ислохотларни босқичма-босқич, пухталиқ билан давом эттираётгани, барча соҳаларни фаол қўллаб-қувватлаётгани, нафақат шаҳарлар, балки қишлоқлар инфратузилмасини ҳам тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратаётгани унинг бугунги салоҳияти нақадар юксак эканлигини далolat беради.

Янги биласиз, ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли аксарият ривожланган давлатлар аҳолини ижтимоий Ҳимоя қилишга ҳам имкон топа олмай қолди. Иш жойлари, ойлик маошлар муттасил қисқартирилаётгани боис одамлар қийинчилик билан кун кечираяпти. Мамлакатингизда эса охириги беш йилда яппи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан ба-



TOSHKENT
16-17 AПREL 2013

жарилаётгани ҳамда бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришилаётгани таҳсинга лойиқ. Ушбу ютуқлар, албатта, халқ фаровонлигини таъминлашда қўл келаяпти. Мен юртингизга ташриф буюришдан аввал халқаро молия муассасалари маълумотларига яна бир қарра кўз югуртириб чиқдим. Масалан, мамлакатингиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайибди. Бу жуда катта гап. Демак, халқнинг кайфияти ҳам шунга яраша юқори бўлиши керак.

“Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусида халқаро конференцияда қатнашиш орқали юртингиз қурилиш саноатининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, қишлоқларда бугунги кун талабларига мос уй-жойлар барпо этиш, уларни сотиб олиш бўйича аҳолига яратиб берилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш умидидаман.

(Давоми 2-бетда). >>>

ИСПАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Испаниянинг Валенсия провинцияси (Халқ партияси) сенатори, Европа Кенгаши аъзоси Педро Аграмунт раҳбарлигидаги Испания парламенти делегацияси 15 апрель кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳада, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустақамлашда парламентлараро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатларимиз олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаш-

тириш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга эканини, мамлакатимизда сайёҳларни жалб этувчи барча омиллар, хусусан, ноёб тарихий обидалар ва маданий ёдгорликлар, тақомиллашган инфратузилма ҳамда тинчлик ва барқарорлик мустақам эканини алоҳида қайд этдилар. Юртимизда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

(Давоми 2-бетда). >>>

ҚОНУН ВА ИЖРО

Кейинги йилларда божхона тизимини тақомиллаштириш орқали тадбиркорлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва қулайликлар

Хусусан, 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳозирги пайтда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тадбиркорлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолият ишти-

риш мақсадида Давлат божхона қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таркибий тузилмаларида учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. “Тошкент-Аэро” иختисослаштирилган божхона комплекси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган семинар мазкур Қонун

билан Божхона кодексининг 76-моддасига киририлган ўзгартишларнинг аҳамиятига бағишланди. Унда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

(Давоми 2-бетда). >>>

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК, ФАРОВОНЛИК

«Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили»

мавзусида халқаро конференция Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида тўпланган илғор тажрибаларнинг чинакам намойишига айланди.

Қишлоқ жойларда амалга оширилаётган кенг қўлмали бунёдкорлик ва ободончилик ишлари ҳақидаги материаллар билан газетамизнинг

4-бетда танишасиз. >>>

«Ўзбекистон — тинчлик ва фаровонлик мустақкам қарор топган мамлакат»

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Роланд ЛАУРЕЙ, "Laurey Architecture & Environment" компанияси директори, архителандия (Нидерландия):

— Ўзбек халқининг юксак бунёдкорлик салоҳияти азал-азалдан дунёга машҳур. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби қадимий шаҳарларда бундан бир неча асрлар олдин барпо этилган тарихий обидлар ҳамон кўрқу тароватини йўқотмагани бунинг исботидир. Шу боис кўпдан бунёд Ўзбекистонга келиб, шу каби осориатикалар билан яқиндан танишганимиз озу қилиб юрдим. "Замонавий уй-жой курилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омил"и мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюриб, ниятимга етдим. Бухоро шаҳрида ўзимни худди эрталарда таърифланган юртва тушиб қолгандек ҳис этдим. Очингани айтиш керак, мени нафақат мамлакатингиздаги миллий

меъморчилик намуналари, балки кейинги йилларда бунёд этилган замонавий иншоотлар ҳам хайратга солди. Айниқса, қишлоқ жойларда амалга оширилаётган улкан курилиш ишлари диққатга сазовор.

Касбим архитектор бўлгани учунми, энг аввало, иморатларнинг лойиҳасига эътибор қаратаман. Қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойларда миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларидан оқилона фойдаланилганлиги диққатга сазовор. Энг асосийси, улар яшаш учун қулай ва барча шарт-шароитга эга. Бундай уй-жойлар эгалари ўзларини шаҳарда яшаётгандек ҳис қилиши, шубҳасиз.

Камол КИТСАВАД, Ассампшин университети проректори (Таиланд):

— Ўзбекистон курилиш индустрияси жадал суръатларда ривожланиб бораётган давлатлардан биридир. Юртингизга келиб, кейинги йилларда бунёд этилган замонавий қишлоқ массивлари, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, бунга яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Жаҳонда

глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирлари ҳали баргараф этилмаган ҳозирги шароитда бундай лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилгани диққатга сазовордир. Бу юртингиз иқтисодиёти жадал ривожланиб, қишлоқ курилиши бўйича бой тажриба тўпланганидан далолат беради.

Қишлоқларда тураржойлар қуриш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича Ўзбекистонда яратилган тизим пишк-пухталиги, бошқа жойларда ўхшаши йўқлиги билан ажралиб туради. Унга кўра, қишлоқ одамлари турмуш шароитидаги талабларга мос равишда қурилиш санъати ривожини аниқ сўзлайди.

Ана шундай нуқулдай шароитда Ўзбекистонда нафақат шаҳарлар, балки чекка ҳудудларда қиёфаси ҳам тубдан замонавийлашиб бораётгани, у ерларда одамлар бугунги кунидан мамнун, келажакка мустақкам ишонч билан фаровон ҳаёт кечираётгани ҳавас қилишга арзийди. Бунга ўзим Тошкент вилоятидаги намунавий уй-жойлар билан танишганимдан, ана шундай кўркам хонадонлар соҳиблари билан суҳбатлашганимдан, бевосита гувоҳ бўлдим.

Луччо АСКНИИ, "Arhcest" курилиш компанияси бош директори (Италия):

— Аввало, таъкидлашни истардимки, Ўзбекистондек бетақорор ва меҳмондўст юртга биринчи марта келишим ва таассуротларим бекиёс.

Маълумки, молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон сезилаётган бугунги кунда дунёнинг кўп қисми мамлакатлари учун, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини изчил юксалтириш масаласи фоятда мураккаб вазифалардан бирига айланди. Боз устига, бир қатор давлатларда қурилиш санъати ривожини аниқ сўзлайди.

Ана шундай нуқулдай шароитда Ўзбекистонда нафақат шаҳарлар, балки чекка ҳудудларда қиёфаси ҳам тубдан замонавийлашиб бораётгани, у ерларда одамлар бугунги кунидан мамнун, келажакка мустақкам ишонч билан фаровон ҳаёт кечираётгани ҳавас қилишга арзийди. Бунга ўзим Тошкент вилоятидаги намунавий уй-жойлар билан танишганимдан, ана шундай кўркам хонадонлар соҳиблари билан суҳбатлашганимдан, бевосита гувоҳ бўлдим.

Алоҳида айтиш жоғки, уларда бар-

ча шарт-шароитга эга ижтимоий комплекслар — тиббиёт ва таълим муассасалари дейсизми, аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуалари ёки маданий хордиқ максаларидан тортиб, коммунал тармоқларга дейсизми, барча-барчаси яхлит ифратузилмани вуждуга келтирган. Буларнинг барчаси қишлоқ қиёфаси, демакки, одамларнинг ҳаёт даражаси ҳамда сифатини янада яхшилашга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ўз навбатида, намунавий уй-жойларни бериш имтиёзли кредитлар асосида ташкил этилгани, уларни бунёд этишда хусусий сектор кучидан, жой иқлимга мос маҳаллий ҳамда бугунги кун талабларига тўри келадиган маҳсулотлардан фойдаланилаётгани эътиборлидир. Бу нафақат қишлоқларни замонавийлаштириш, балки жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пудрат хизматлари кўрсатишга иختисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, иш ўринлари яратишда салмоқли роль ўйнайди.

Сайд РАҲМОНОВ, Шавак ОРТҚОВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.

ИСПАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Бўйича катта салоҳиятга эга. Ўзбекистон билан қурилиш, дин, инфратузилма каби йўналишларда ҳам ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Испания делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам учрашувлар ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

Маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига бағишланди

Пойтахтимизда ёшлар, хусусан, қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир этаётган ёт гоъларга қарши курашиш мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирликлар мутасаддилари, маҳаллалар ҳамда ёшлар ташкилотларининг вакиллари, таниқли санъаткорлар қатнашди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбирда таъкидланганидек, ёш авлодни жаҳон ахборот майдонидан тобора кенг қулоч ёйиб бораётган "оммавий маданият" унсурлари, турли маънавий таҳдидлардан муҳофаз қилиш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақоз қилмоқда. Зеро, бебаҳо миллий кадрларнинг ривожини асла мазмун-моҳиятини англаб воъга етган, эзгуликдан ибрат олиб улғайган фарзандларгина буюк келажакнинг муносиб вориси бўла олади. Бунинг учун эса, энг аввало, навқирон авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси масаласига, айниқса, навқиҳол қизлар камолотида муҳим ўрин тутадиган жиҳатларга алоҳида эътибор билан ёндашиш зарурдир. Ушбу вазифани амалга оширишда санъат, хусусан, эстрада ва кино бекиёс аҳамият касб этади. Шу маънода, бугун саҳнада, катта экранларда янграётган ҳамда намоиш этилаётган фильмлар, қўшиқлару клипларнинг савияси, маъно-мазмунига жиддий аҳамият қаратилаётганлиги бежиз эмас.

— Бугун бешикда ётган гўдақдан тортиб, униб-ўсиб ақлини таниётган ўсмирча бари-бари санъатдан, чинакам ижод маҳсулидан ибрат олиб улғаймоғи даркор, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Рихси Ўрбихонова. — Санъаткор бўлганимиз боис юртимизнинг турли ҳудудла-

рига бориб, мухлислар билан ижодий учрашувларда иштирок этамиз. Ана шундай тадбирларда кенг жамоатчилик вакиллари ижро маҳоратимизга баҳо беришаркан, кўпроқ миллий менталитетимизга хос бадий асарлар яратилишига хайрихоҳ эканликларини билдиришади.

Чиндан ҳам, етук маънавий фиданларга эга комил инсонни тарбиялаш асосий мақсадимиз бўлган, санъатда, ижодда айна ҳижат ҳаммиша устувор аҳамият касб этмоғи лозим.

Давра суҳбатиде ёшлар, айниқса, ўсмир қизларнинг экран қаҳрамонларига эргашиши, улардек бўлишга интилишини инобатга олган ҳолда, телекўрсатувлар, киноасар, сериал, қўшиқ ҳамда клипларга қўйлаётган талаб ва мезонларни янада кучайтириш билан боғлиқ тақлифлар, мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, қизларни эрта турмушга бериш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ сингари муаммолари масалалар хусусида ҳам сўз юритилиб, бу борадаги амалий чора-тадбирларни янада жонлантириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Этироф этилганидек, ушбу ҳужжатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомиллар турларини қисқартириш,

транспорт воситалари назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган вақтни ўз ичига олмайдми. Авваллари божхона расмийлаштируви жараёни 10 кун ичида амалга оширилганини инобатга оласак, бу ўзгартиш тадбиркорлар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига катта қулайликлар туғдириши ойдинлашади.

Тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва қулайликлар

соддалаштириш, очиклик даражасини ошириш каби масалалар камраб олинган. — Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг "Божхона расмийлаштируви мuddати" деб номланган 76-моддаси янги тахрирда ишлаб чиқилиб, тадбиркорлар учун қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратилди, — дейди "Тошкент-Аэро" иختисослаштирилган божхона комплекси ҳуқуқий хизмат инспектори Тоҳир Абдусаттаров. — Хусусан, унга биноан, товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви божхона декларацияси қабул қилинган, барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган пайтдан бошлаб уч иш кунини ичида божхона органи томонидан амалга оширилиши белгиланди. Муҳими, ушбу мuddат бошқа давлат органлари томонидан товарлар ва

Умуман, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан божхона расмийлаштируви мuddати қисқартирилиши, муҳими, тадбиркорлар учун ушбу жараёни ўзидорасидан чиқмасдан, масофадан амалга ошириш имкониятининг яратилиши, аввало, уларнинг вақтини, маблағини тежайди.

Тадбирда мазкур Қонун билан бошқа қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида ҳам атрафлича сўз юритилди. Муҳокамаларга бой тарзда ўтган тадбирда иштирокчилар Қонун бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олиш имконига эга бўлишди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САҲРО БАҒРИДАГИ ХАЗИНА

Мамлакатимизда нефть-газ санъатини ривожлантириш борасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

ИНТИЛИШ

Натижада янги мажмуалар бунёд этилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортмоқда. Кўнгирот туманидаги 450 нафардан зиёд ишчи-мутахассис меҳнат қилаётган "Устюртгаз" унитар шўба корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. — Айни пайтда биз Шарқий

ва Шимолий Бердақ конларида иш олиб бораёямиз, — дейди бош муҳандис Бердақ Турсинбеков. — Қазиб чиқарилаётган газ ва газ конденсати эса "Узтрансгаз" акциядорлик компанияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда "Йилғилгаз" кўшма корхонасига етказиб берилмоқда. Эътиборли жиҳати,

юқориде қайд этилган конлар айни пайтда жадал суръатларда барпо этилаётган Устюртгаз-кимё мажмуасининг хом ашё базаси ҳисобланади. Бу — келгусида корхонамиз фаолияти қўлами ва зимма-миздаги масъулият янада ортади, деганидир. Чунки 2016 йилда қурилиш ишлари якунланиши мўлжалланган мазкур объект ишга тушган, 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ушбу жамоа томонидан қўлга киритилаётган муваффақиятларда мавжуд технологияларни босқимчилик модернизациялаштириш тадбирларининг амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган йили бу ерда 55 миллиард 624 миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 14 миллиард 324 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрилгани ана шундан далолат беради. Жорий йилнинг дастлабки ойида эса 1641 тонна газ конденсати қазиб олинди, истеъмолчиларга 86 миллион куб метр газ етказилди.

Бундан ташқари, корхонада ёш мутахассислар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Кўнгирот нефть ва газ санъати касб-ҳунар коллежи билан мустақкам алоқа ўрнатилган бўлиб, кун кеча ушбу таълим масканига 16 миллион 800 минг сўмлик газ қазиб олиш ускуналари модели ҳада этилди. Бу, албатта, изланувчан ёшларнинг ўз билиминини янада бойитишда қўл келади.

Мухтасар айтганда, бугун ҳад-ҳудудсиз Устюртда ҳаёт қайнапти. Чўл баҳодирлари қумлар бағридан ундирётган бебаҳо бойликлар эса юртимиз равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳидоят АХМЕДОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбири.



ФАН ВА АМАЛИЁТ

Она табиат ўз инъомлари билан ҳаммиша инсоният хизматига бўлиб келган ва ҳали-ҳануз шундай бўлиб қолмоқда. Бироқ бу дунёда ҳамма нарсагин чек-чегараси, интиҳоси бор. Хусусан, жаҳон микросида углеводород хом ашёси захиралари кескин камайиб бораётган ҳозирги шароитда муқобил энергия манбаларидан омилкорлик билан фойдаланиш, шунингдек, табиат неъматларига қараб қолмасдан ноънаввий энергия соҳасини ривожлантириш ва уларни амалиётга тезроқ татбиқ этишни даврининг ўзи кун тартибига қўймоқда.

Таъкидлаш жоиз, халқаро энергетика амалиётда муқобил манбалар сифатида гидро, қуёш, шамол, геотермал, ер иссиқлиги, биомасса энергиялари алоҳида эътироф этилади. Улар орасида энг истиқболли йўналишлардан бири, шубҳасиз, қуёш энергиясидан фойдаланишдир. Ривожланган давлатлардаги асосли ташиқлотларнинг асосли хулосаларига кўра, 2100 йилга бориб, қуёш энергияси сайёрамиз учун энергиянинг доминант манбаига айланади.

Шу жиҳатдан айтганда, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жамиятимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ҳужжат ҳамда оқилона қадам бўлди.

Фармонда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва моддий-техник асослари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирылашма-си неғизиде Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил қилиниши, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этилиши, Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясининг қурилиши, қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фой-

анавий энергия манбалари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича тадқиқот ўтказишмоқда. Кафедралар мутахассислари, тадқиқотчилар томонидан турли қуёш қурилмаларининг экспериментал вариантлари ва моделлари яратилиб, тажриба-синтездан муваффақиятли ўтган. Узок йиллик изланишларимиз натижасида қуёш энергияси таъсирида ҳосил қилинадиган иссиқ ҳаво оқими ёрдамда мева маҳсулотларини қуриштиш учун мўлжалланган, бир неча вариант ва турли ўлчамдаги қуёш иссиқхона-мева қури-

лари, қуёш иссиқхона-мева қуригичлар ва гелиолимонариюлар қурилиб, ишга тушқилди.

Икки йилдирки, ҚаршиДўннинг "Қайта тикланадиган электр манбалари" ўқув илмий марказида "Комбинациялаштирилган ёқили-қуёш пахта қуришти қурилмаси такомиллашган вариантларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш", "Автономлаштирилган турроқ ости иссиқлик аккумулятори қуёш иссиқхона-мева қуригич қурилмасининг иссиқлик-физик ва энергетик характеристикасини тадқиқ этиш", "Автоном тизимли калавер-энергетика йўналишлари бўйича илмий маълумотли кадрлар тайёрлаш, мазкур соҳада кенг қўламадаги илмий тадқиқот ишларини йўлга қўя оладиган магистратура мутахассисларини ўқитиш, уларга билим бериш лозим. Бу маъсулиятли вазифалар ҳам таълим тизимини вакиллари зиммасида. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва юқори маалакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари

қуришга қўйлаш зарурдир. Ушбу вазифани амалга оширишда санъат, хусусан, эстрада ва кино бекиёс аҳамият касб этади. Шу маънода, бугун саҳнада, катта экранларда янграётган ҳамда намоиш этилаётган фильмлар, қўшиқлару клипларнинг савияси, маъно-мазмунига жиддий аҳамият қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Муқобил энергия манбалари

иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилдир

даланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда афзалликлар берилиши, албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатда қайд этилганидек, юртимиз иқлим шароитида қуёш, шамол, биогаз сингари ноънаввий энергия манбаларидан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Айтилик, республикамиз худудида йилнинг аксарият кунлари қуёшлидир. Бундай табиий шароит қайта тикланувчи энергия манбаларидан омилкорлик билан фойдаланишда жуда қўл келади. Қарши давлат университетини олимлари, профессор-ўқитувчилари ҳам ана шу жаҳода кенг қўлланиладиган замонавий технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида қўлаб лойиҳалар устиде иш олиб боришаётир.

Университетимизнинг Физика ва уни ўқитиш методикаси, Иссиқлик физикаси ва энергетикаси кафедралари профессор-ўқитувчилари кўп йиллардан буён ноъ-

гич қурилмалари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Улар тажрибадан ўтказилган, қуриш ва фойдаланиш учун фермер хўжалиқларига тавсия қилинди. Жумладан, ҳозир вилоятимизнинг Қарши, Яқкабоб, Чирочки ва бошқа туманларидаги қатор фермер хўжалиқларида ушбу технологияларнинг смета лойиҳалари асосида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Яқиний натижалар ва олиб борилаётган тадқиқот ишлари самарадорлиги хусусида фикр юритиладиган бўлса, айтиш лозимки, ўтган ўн йилдан ортик мuddат мобайнида гелиотехник олимлар, магистрлар ҳамда иқтидорли талабаларимиз билан ҳамкорликда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси грантлари ва хўжалиқ шартномалари асосида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқдамиз. Шунингдек, илмий изланишларни амалиётда қўллаш бўйича воҳонинг Қарши, Касби, Яқкабоб туманларида автоматлаштирилган иссиқлик аккумулятор-

ва иссиқлик аккумуляторли қуёш уйини иситиш ва харорат режимини мўтадиллашдаги иссиқлик-физик, энергетик жараёнларини тадқиқ этиш", "Фермер хўжалиқлари учун гелиокомплекс (гелиоуй, гелиодуш ва пахта қуришти, гелиопилла қуришти қурилмаси)ни замонавий технологиялар асосида тадқиқ этиш" каби мавзуларда илмий изланишлар олиб борилаётди.

Келгусида энергетика соҳасида углеводород хом ашёси ўрнини босадиган, биогаз ва қуёш энергиясидан фойдаланиш олиннадиган янги тур маҳсулотлар, хусусан, нано электр энергия соҳасида ишлатиладиган электрон структурага эга техник ҳиқозиларни яратишга ҳам эътиборимизни қаратамиз.

Фармонда кўзда тутилган вазифаларнинг ижросини тўла таъминлашда мутахассис кадрларнинг ўрни бекиёс аҳамият касб этади. Бунинг учун, албатта, юқори маалакли техник сервис хизмати кўрсатадиган иختисосликларга эга касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва ба-

тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қарорда замонавий фан-техника ютуқларини пухта эгаллаган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида илмий лабораториялар, марказлар фаолиятини йўлга қўйиш белгилаб берилган. Ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида, хусусан, Қарши давлат университетида жуда катта нуфузга ва салоҳиятга эга бўлган "Табиий бирикмалар ва полимерлар" илмий лабораторияси ташкил қилинаётди. Айни пайтда ҚаршиДУ,

Ҳулоса ўрнида айтганда, Президентимизнинг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини яратиш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ҳамда педагогик ишларга янада маъсулият билан ёндашишга, барчани мазкур соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш йўлида ташаббускор бўлишга ундайди.

М. НОРМУРАДОВ, Қарши давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор.

«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2013»

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган IV жаҳон чемпионати якунига етди. Халқро оғир атлетика федерацияси (IWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада дунёнинг етмиш давлатидан 500 нафарга яқин спортчи голиблик учун кураш олиб борди.



Голиблар Олимпиадага боради

Биласиз, мамлакатимиз спортчилари ҳозирданок 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликни бошлаб юборишган. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилаётди. Тошкент шаҳрида ташкил этилган мазкур жаҳон чемпионатининг биз учун яна бир аҳамиятли жиҳати, айнан шундай беллашувлар ёш спортчиларимиз маҳоратини оширишда, уларни ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига босқичма-босқич тайёрлаб боришда катта ўрин тутади.



Муҳоммад АМИН (USA) олтин сурат.

ғонадан жой олганларга биттадан йўлланма тақдим қилинди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини Машхурбек Йўлдошев, Голибжон Нейматуллаев, Абдуқодир Абдухалилов, Суннатилла Шоқиржонов, Элёр Кенжаев, Азим Ғаниев, Азамат Шарипов ва Амирзода Иброҳимов ҳимоя қилди. Қувонарлиси, умидли спортчимиз Машхурбек Йўлдошев (50 кг.) штангани даст кўтаришда 86 килограмм, силтаб кўтаришда 110 килограмм, икки кураш бўйича 196 килограмм натижа қайд этиб, унча бронза медалга сазовор бўлди.

Терма жамоамизнинг қолган аъзолари гарчи соғириндорлар сафидан жой олишолмаган бўлса-да, уларнинг чиқишлари муҳлису мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Ҳамюртларимиз тўплаган муҳим оқолар туфайли Ўзбекистон терма жамоаси II ўсмирлар Олимпиадасига иккита йўлланмага қўлга киритди. Шунингдек, Миср, Эрон, Руминия, Ҳиндистон, Арманистон, Мексика, Россия ва Қозоғистон терма жамоалари ҳам иккитадан, Колумбия, Польша, Таиланд, Вьетнам, Венесуэла, КХДР ва Украина вакиллари эса биттадан лицензия соҳиб бўлди.

Кўзлар ўртасидаги бахслар ҳам қизиқарли кечди. Етти вазн

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 17 май куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 2012 йил 15 декабрдаги 1-411-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

* Фарғона шаҳар «Терминал савдо» хусусий корхонасида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, оқ рангли, давлат рақами 40 W 294 AA.

Бошланғич баҳоси — 11 827 854 сўм.
* 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, кулранг тусли, давлат рақамисиз.

Бошланғич баҳоси — 23 420 577 сўм.
ЖИБ Фарғона тумани судининг 2013 йил 31 январдаги 1-30-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Дилнозаҳон савдо» хусусий корхонасида сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai Porter» русумли, оқ рангли, давлат рақами О 479 Е, таъмирталаб.

Бошланғич баҳоси — 12 169 166 сўм.
ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 2012 йил 3 февралдаги 1-508-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳар ИИБ ИХХБ жарима майдонида сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «BA3 2102» русумли, қизил рангли, давлат рақами 15 Е 2892, таъмирталаб.

Бошланғич баҳоси — 3 093 782 сўм.
ЖИБ Бувайда тумани судининг 2008 йил 30 сентябрдаги 1-212-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона хизмат таъминот» шўъба корхонаси омборида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум «Espero» русумли, кўк рангли, давлат рақами 15 J 8098.

Бошланғич баҳоси — 9 233 760 сўм.
ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 2012 йил 17 сентябрдаги 1-508-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона гарнизони ХАН биносида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 40 G 870 BA.

Бошланғич баҳоси — 17 492 000 сўм.
ЖИБ Фарғона тумани судининг 2013 йил 20 январдаги 1-2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона тумани ИИБда сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «GA3-2410» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 L 373 BA, таъмирталаб.

Бошланғич баҳоси — 1 157 501 сўм.

Аукцион савдоси Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Мухаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хонада бўлиб ўтади. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома № 004059.

589/078

589/078

589/078

«Polimer Group Asia» МЧЖ

совуқ сув ва газ учун Ø 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан тайёрланган, бурғилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанинг «Ritmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, Ø 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.

Кичик ҳажмларда «SG-5» ёки «K-67»га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.

Шуоримиз — сифатли маҳсулот миждоз учун.

Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03. Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz

138/1240

138/1240

«SN INVEST» компанияси

қуйидагиларни етказиб беради:

- ғўзалов урадиган комбайн
- ўт урадиган комбайн
- макка урадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- бог ва ферма учун тракторлар
- гусенициал тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- бугдой экадиган севялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- ем майдалаб таркатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискили плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

Тел.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

878/43

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган

Иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини аниқлаш бўйича танлов эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилган.

Фонд томонидан лойиҳа ғояларини аниқлаш ва лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаштириш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жобидорликка ва саноат соҳасида таъбиқ этиш истикболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
— ариза (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун телефонлар: (+998 71) 238-69-07, 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал — «Истиқлол» санъат саройи, метронинг «Бунёдкор» бекати.

«ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШКга қарасли

«POLIETILEN QUVURLAR» ШҮЪБА КОРХОНАСИ

ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIANG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил — «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиэтилен қувурларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиэтилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.

Маҳсулотлар «ISO 9001-2008» халқро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизими асосида тайёрланади.

Маҳсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК миждозларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.

210609, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabort qo'rg'oni.
«Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasida.
Tel.: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe_plast@mail.ru web-sayt: pe_plast.uz

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Штрих-код сканерлари, Чеклар принтери, Кассир иш жойи, Моноблоклар, Харидор дисплейи, Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

326/078

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Рустам Қодиржонович Қосимовга волида муҳтарамаси ХУСНИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси Статистика кафедраси профессори Нигмон Соатовга турмуш ўртоғи МАЪМУРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

326/078

326/078

326/078

326/078



Бунёдкорлик,

Ободлик,

Фаровонлик

Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳар томонлама қулай ва обод уйларда одамларнинг кайфияти ва қарашлари, эртанги кунга ишончи ҳам бошқача бўлади. Бундай уйлар хонадон бекалари — аёлларимизнинг оғирини енгиллаштиришга, турмуш шароитини яхшилашга олиб келиши муқаррар.

Ислом КАРИМОВ.

Барча шароитлар муҳайё

Бугун юртимизнинг қайси гўшасида бўлсангиз, қишлоқлар тобора ободонлашиб, янада гўзал киффа касб этаётганига гувоҳ бўласиз. Чунки Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилдан бошлаб намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар барпо этиш ишлари умумҳаракатга айланди. Бу эса тезда ўз самарасини бериб, шаҳардан қолишмайдиган янги массивлар пайдо бўла бошлади.

Одатда, Хоразмга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар қадимий осори-атикалардан ташқари, замонавий иншоотлар билан ҳам яқиндан танишадилар. Хусусан, намунавий лойиҳалар бўйича қурилган тураржойлар уларнинг ҳайрату ҳавасини келтираётди. Сабаби, янги массивлар комплекс равишда бунёд этилиб, бир йўла замонавий муҳандислик тармоқларига улланган ҳолда, худудларда транспорт ва ижтимоий инфратузилма шохобчалари ишга туширилмоқда. Масалан, фақат 2012 йилнинг ўзида 66,4 миллиард сўм маблағ ушбу мақсадларга йўналтирилиб, 20 та қишлоқ массивида 650 та уй-жой қуриб битказилди. Шу билан бирга, янги массивларда битта мактаб, 4 та қишлоқ врачлик пункти, шунча минибанк, 10 та гузар, 7 та савдо маркази, 10 та нон чеги ва бозор фойдаланишга топширилдики, буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисига қўлаб қўлайликлар яратаяпти.

Бунёдкорлик ишларининг тез ва сифатли бажарилишида пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боис қурилуш ишларига жалб этилган 80 га яқин пудратчи ташкилотлар замонавий техника ва ускуналар билан таъминланмоқда. Бунда уларга солиқ имтиёзлари берилгани, қурилуш материаллари арзон нархлар-

да етказилаётгани қўл келтирилади. Натижада қишлоқ аҳолиси ўртасида талаб ошиб бораётган кўркам уйлар қисқа фурсат ичида қад ростлаяпти. Айни пайтда қурилуш жадал олиб борилаётган 28 та массивдаги 730 та ҳовли-жойда бўлган қишлоқ бунга яна бир қарра амин бўлади.

— Биласиз, Хоразмнинг ёзи иссиқ, қиши эса совуқ келади. Янги уйларнинг лойиҳалаштирилишида шу каби жиҳатлар инобатга олиниб, пишиқ гилтдан тиклангани туфайли хоналар ёзда салқин, қишда илик, — дейди Урганч тумани, Қоромон қишлоғидаги янги тураржойлардан бирига кўчиб ўтган ёш оила бошлиғи Мухтор Нурметов. — Икки нафар фарзандимиз бор. Анчадан бери оиламизга мос, шинам уй-жойимиз бўлишини орзу қилардик. Мана, муродимизга етдик. Бу уй кутганимиздан ҳам аяло экан!

Намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларда истикомат қилаётган одамларнинг дунёқараши ўзгариб, эртанги кунга ишончи янада ортиб бормоқда. Бундай файзли, озода хонадонларда яшаб, вояга етаётган болаларнинг соғлиғи мустаҳкам, фикри теран, ўзи тугилиб ўсган жойига меҳри балола бўлиши, янги орзу-умидлар билан яшashi, шубҳасиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай эзгу ишлардан кўзланган мақсад-муддао ҳам аслида шу. Зеро, мустақил юртимизда инсон азиз ва мўътабардир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқларда қурилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларда яратилган шарт-шароитлар шаҳардагидан асло қолишмайди. Хонабод қишлоғида бунёд этилган, кишининг ҳаваси келадиган янги уйимиз бунинг исботидир.

Ажиб бир фароғат бағишлайди

Айниқса, кундалик турмуш учун зарур хоналар қаторида табиий газ, ичимлик суви тортилган ошхонадан кўнглим тўқ. Аввал ота-оналаримиз билан яшган жойда овқатни ҳовлининг бир четидаги қора ўчоқда пиширар, у тайёр бўлгунча бўзининг моқисидай югуриб, роса чарчардик. Эндиликда ҳар бир уй бекасининг орзуси бўлган замонавий ошхонага эгамиз. Қолаверса, каттагина меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонасидан иборат уйимиз оила аъзоларимиз учун қулай. Фарзандларимизнинг хурсанд бўлганини кўриб, ич-ичимдан севиनाман. Улар учун мўлжалланган хонани болаларга хос жиҳозлаб, компьютер олиб бердик. Компьютер сабоқларини пухта ўзлаштириб олган тўнғич қизимиз Муслимага ҳавас қилиб, синглиси Мадина ҳам уни кўнгли билан ўрганапти. Махсус дастур ёрдамида инглиз тилидан ҳам сабоқ олаётимиз.

Қисқача айтганда, замонавий меъморчилик аъёналари ўзбекона урф-одатлар билан ўйналтирилган ҳолда қурилган муҳташам уй-жойлар замонамиз кўрқисига айланди. Уларда кечаётган завқли кунлар ҳаётимизга ажиб бир фароғат бағишлаётганидан жудаям мамнунимиз.

Муҳайё АҲМАДЖОНОВА,
уй бекаси.
Номанган вилояти

“Бухоро — Тошкент” миллий автомагистралнинг шундоққина ёқасида жойлашган Гаждумак қишлоғи Гаждувон туманининг обод гўшаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, кейинги икки-уч йил ичида унинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 35 та замонавий уй-жой бугун барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Шу уйлардан бири бизники, аниқроғи, ўғлим Шукржонники. “Ота, ана шундай уйлардан бирини олмоқчимиз” деганида, раъйини қайтармай тўғри қилган эканман. Эндиликда ёшларнинг орзуси ушланганидан, бундай қулай ҳовлида невараларимнинг яйраб улғайишаётганидан жуда хурсандман.

Эшим саксонга қараб кетаяпти. Бундоқ ўйлаб қарасам, умрим рўзгор ташвиши билан ўтибди. “Еғоч изла, уста топ, иморат тикла, том-сувоқ қил” қабиллидаги юмушлар билан овора бўлиб, “Қураётган уйимиз яшаш учун қанчалик қулай?” деб ўзимизга савол ҳам бериб қурмабмиз. Юртбошимиз ташаббуси билан қад ростлаган шинам уйларни кўриб, кўзимиз очилди. Уй дегани, мана, қанақа бўлар экан?! Ошхонаси, ювиниш хонаси ичида, жўмрақни бурсангиз, сув муҳайё. Меҳмонхонаси, болалар учун алоҳида хоналари бор. Хуллас, ҳамма-

лат мактаб-интернати билан уйимизнинг ораси бир қадам. Муҳими, қурилиш деб, жон қойилмайди. Бир йил ўтар-ўтмас, калити қўлингизга тегади.

Дарвоқе, намунавий лойиҳалар асосида қурилган тураржойлар ёнбошида тадбиркор фарзандларим — Аминжон, Амонжон, Камолжон ўзаро маслаҳатлашиб, “Оқкул” деб номланган мажмуани барпо этишган. Ҳозир қишлоғимиздаги тўй-тантаналар ана шу муҳташам қошонада ўтайти.

Бундай қулайликлардан баҳраманд ёшларга боқиб, болалигим, урушдан кейинги оғир йиллар ёдимга тушади. Қишда бўйра, кигиз тўшалган бир уйда бутун бошли оила қаторлашиб ётардик. Сандалга ўт қалаш, унинг қулини тозалаш, деган гаплар буларди. Тутундан уй деворлари қорайиб кетганини айтмайсизми?! Қишда лой, ёзда чанг, тупроғи тўпқиқа келадиган йилларни-ку эсламай қўя қолай.

Қаранг, замон нақадар ўзгарди. Буларнинг бари мустақиллигимиз, Юртбошимизнинг эртанги кунни кўра билиши шарофатидан. Шундай дориламон кунларга етказганига шўқ қиламан. Барчага бу каби шинам уйларда яшаш насиб этсин, дейман.

Шоди ТЎХТАЕВ,
меҳнат фахрийси.
Бухоро вилояти

Дориламон кунлар саодати

сервис шохобчалари ишлаб турибди. Болалар спорт майдончаси бор. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳам шу ернинг ўзида. “Қалдиғоч” мактабга ҳам тарбия муассасаси, 7-умумтаълим мактаби, 62-ихтисослаштирилган дав-

қалаш, унинг қулини тозалаш, деган гаплар буларди. Тутундан уй деворлари қорайиб кетганини айтмайсизми?! Қишда лой, ёзда чанг, тупроғи тўпқиқа келадиган йилларни-ку эсламай қўя қолай.

Қаранг, замон нақадар ўзгарди. Буларнинг бари мустақиллигимиз, Юртбошимизнинг эртанги кунни кўра билиши шарофатидан. Шундай дориламон кунларга етказганига шўқ қиламан. Барчага бу каби шинам уйларда яшаш насиб этсин, дейман.

Шоди ТЎХТАЕВ,
меҳнат фахрийси.
Бухоро вилояти

Мамлакатимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини молиялаштириш динамикаси (миллиард сўм миқдориди)

2010 йил	428,9
2011 йил	576,5
2012 йил	906
2013 йил	1400

Қишлоқ жойларда кенг қўламда бунёд этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, шубҳасиз, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаяпти. Шунинг учун бундай замонавий иморатлар қурилишининг салмоғи ҳам, унга бўлган талаб ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мустаҳкам ва шинам

Юртдошларимизнинг қувончига сабаб бўлаётган бунёдкорлик ишларида жамоамиз ҳам бевосита иштирок этаётганидан мамнунимиз. Хусусан, 2011 — 2012 йилларда 25 та уй-жойни тайёр ҳолда ўз эгаларига топширдик. Биргина ўтган йилнинг ўзида барпо этилган 10 та 4 хонали тураржойда 1 миллиард 70 миллион сўмлик қурилиш-мон-

таж ишларини амалга оширдик. Жорий йилда эса Қарши туманидаги Хонобод массивида яна 10 та шундай уй қуриш мақсадида тендерда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдик. Айни пайтда юзга яқин қурувчи-мутахассисларимиз уларни қуриш билан банд.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорларига биноан, мазкур

жараёнда қатнашаётган қурилиш ташкилотлари солиқнинг айрим турларидан озод этилгани, зарур материаллар махсус фонд ҳисобидан арзон нархларда етказиб берилаётгани ишончлигимизга унум бағишлайпти. Натижада қурилиш ишлари янада тезлашиб, уларнинг нархи арзон бўлиши таъминланмоқда.

Шухрат ЖҲРАЕВ,
«Қашқадарёнефтегаз» ОАЖга қарошли «Жайхун» махсус ихтисослаштирилган таъмирлаш ва қурилиш шўъба корхонаси раҳбари.

Бундан икки-уч йил олдин Нукус туманидаги Узункўл мавзесида бўлган киши бугун ун таний олмаслиги аниқ. Негаки, бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиб, 208 та замонавий уй-жой қад ростлади. Ушбу гўзал маҳалла қиёфаси, ховлилардаги мавжуд шарт-шароит худди шаҳардагидек.

Пухта лойиҳа асосида

Корхонамиз қурувчилари бундай савобли ишга муносиб ҳисса қўшиб, ўтган йили 11 уй-жойни сифатли қуриб битказишди.

Маълумки, Қорақалпоғистон ўзига хос иқлим шароитига эга бўлиб, ёзи иссиқ, қиши эса ўта совуқ. Тураржойларнинг лойиҳалаштирилишида шу каби хусусиятлар, қолаверса, шамол йўналиши, қуёш нури тушуши алоҳида инобатга олингани айни мuddао бўлди. Натижада Президентимиз таъкидлаганидек, шундай мустаҳкам уйлар қурилдики, улар нафақат хонадон соҳибларига, балки етти пуштига хизмат қилади.

Жорий йилда ушбу мавзедда яна 90 та тураржой барпо этилаяпти. Шундан 10 таси корхонамиз қурувчилари томонидан бунёд қилинмоқда. Қурилиш материаллари маҳаллий корхоналар томонидан узлуксиз етказиб берилаётгани туфайли ишлар маромда кетаяпти. Уй-жойларни тез ва сох ҳолда битказиб, соҳибларини қувонтириш ниятида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётимиз.

Ўсербой АБДУМАМУТОВ,
Нукус шаҳридаги «Зиёда-А» қурилиш фирмаси раҳбари.

Чирой очаётган қишлоқлар

Юртимизнинг барча худудларида бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлардан кўз қувнайди. Хусусан, вилоятнинг энг чека туманларидан бири ҳисобланган Сарийоннинг Наврўз маҳалласида қад ростлаган 55 та уйда оилалар бахтли ҳаёт кечирмоқда.

— 2010 йилда ана шу уйлардан тўрт хоналисига дастлабки тўловни амалга оширган эдик, — дейди Бахтиёр Назаров. — Мана, икки йилдирки, оиламиз билан шинам хонадонда яшайапмиз. Кўчиб келганимизда ўғилларим — Азизбек ва Муҳаммад жонларнинг қувонганини айтмайсизми?! Тўғри-да, янги, кенг ва барча шарт-шароит мавжуд бундай замонавий ҳовли кимни қувонтирмайди, дейсиз?! Бунинг устига, илгари

тоғли қишлоқда кўпчилик бир ҳовлида истикомат қилардик. Юртбошимизга раҳмат! Биз, қишлоқ одамларига ғамхўрлик қурсатгани учун шундай чиройли уйларда яшаш насиб этмоқда. Қолаверса, уйларнинг лойиҳаси ҳар бир худуд иқлим шароити ҳисобга олингани ҳолда ишлаб чиқилаётгани ҳам барчага манзур бўлмоқда. Чунки пухта лойиҳа шарофати туфайли уйимиз ёзда салқин, қишда эса иссиқ. Айниқса, болалар хонаси иморатнинг ўртасига жойлаштирилгани ҳар фаслда ҳам унда мўътадил ҳарорат сақланиб туришини таъминлаяпти.

Шу тумanning “Сариосиё” қишлоқ фуқаролар йиғини худудидидаги Хурватан маҳалласида ҳам 50 та яқка тартибдаги уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилган. Хонадон соҳиблари қурилиш ишларини сифатли бажарган “Шарғун Бунёдкор” ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш корхонаси бунёдкорларидан миннатдор.

— Ушбу мавзедда 2011 йили 18 та уй қуриб, ўз эгаларига топширган бўлсак, бу йил Фозилқўнди қишлоғида 55 та тураржой бунёд этишда иштирок этаёғимиз, — дейди корхона раҳбари Аъзам Эшонқулов. — Бу жараёнда қурилиш маҳсулотларининг маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилаётгани айни мuddао бўлаётди. Чунки бу билан, аввало, вақт тежалапти, иккинчидан, уйнинг таннари ошмайпти. Тураржойларга мос равишда зарур инфратузилмаларни шакллантириш ишларининг жадал олиб борилаётгани эса янада қувонтиради.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Беқиёс ўзгаришларга гувоҳимиз

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш йўлида бошланган ҳайрли ишлар Тайлоқ туманидаги “Маданият” қишлоқ фуқаролар йиғини худуди қиёфасига замонавий кўрк бағишлади.

Айниқса, Маданият ва Ворсин қишлоқлари оламшумул ўзгаришлар масканига айланганига бугун барчамиз гувоҳимиз. Бу ерда кейинги йилларда намунавий лойиҳалар асосида 230 та тураржой барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Очигини айтсам, шаҳардаги уйлардан асло қолишмайдиган бундай ҳовли-жойларни тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Ахир илгари бу каби иморатлар солишни фақат орзу қилиш мумкин эди, ҳолос. Уй қуришга бел боғлаганлар эса жуда кўп сарсонгарчиликни бошдан кечирарди. Авва-

ло, ер участкаси ажратилиш, кейин эса қурилишга рухсат олиш учун ойлаб идоралар эшиги олдида сарғайиб ўтиришга тўғри келарди. Ундан сўнг қурувчи ва усталарни топши, уларнинг иш ҳақини бериш, ойлаб боқиш... Қолаверса, гоҳ цемент, гоҳ ёғоч етмай қолиб, уларни қидириб топши, ҳали ғишт, ҳали ёғоч-тахта тушириш. Эҳ-хе, уй тикка бўлгунча тинкамиз қуриб кетар эди.

Бугун-чи? Уй олмоқчи бўлганлар маблағи билан иштирок этади, ҳолос. Унинг маълум физиони бошлангич бадал тарихида тўлайди. Қолга-

ни банк кредити ҳисобига молиялаштирилиб, уни имтиёзли фоизда 15 йилда узади. Менинча, бундай шароит бошқа жойларда бўлмас керак.

Қувонарлиси, худудимизда замонавий тураржойлар қуриш қўлами тобора кенгайиб, хусусан, жорий йилнинг ўзида 90 та ана шундай ҳовли барпо этилади. Президентимиз ташаббуси билан бунёд қилинаётган бу уйлар нафақат бизга, балки фарзандларимизга ҳам хизмат қилишига ишончимиз қомил.

Абдулла МАВЛОНОВ,
Тайлоқ туманидаги «Маданият» ҚФЙ раиси.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғимиз Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортоқов.
Навбатчи — М. Холатова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.55 Топширилди — 04.40 1 2 3 4 5